



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ
ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР СИЁСАТИ
ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ
АГЕНТЛИГИ**
ҚЎШМА ҚАРОРИ

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маданият ва санъат
йўналишидаги танлов ва фестивалларни юқори савияда
ташкил этиш ва ўтказиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий
Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилга “Инсонга
эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном бериш тўғрисидаги таклифи
кўтариинки руҳда кўллаб-куватланди.

Ўз навбатида, сифатли таълимни таъминлашда бевосита иштирок
этадиган педагоглар, ўқитувчиларнинг ушбу жараёндаги самарали фаолияти
ёш авлодни маданият ва санъатга, миллий чолғу санъатига қизиқишлирини
ошириш бу орқали уларнинг қалби ва онгида миллий ўзликни англаш,
аждодлар меросига ҳурмат туйғусида бўлишларини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февраль
“Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-112-сонли Қарори ҳамда **2022 - 2026 йилларга**
мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг
71-мақсад: Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган
«Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари» ғоясини
кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва
бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, «Янги Ўзбекистон -
маърифатли жамият» концепциясини амалга ошириш, Ўзбек халқининг
миллий қадриятлари ва маънавий меросини асрраб-авайлаш, кенг
оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан
кўллаб-куватлаш, «Маҳалла - туман - вилоят - республика» принципи
асосида худудлар кесимида ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш
харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация
технологияларини кенг жорий этиш ҳамда «Ёшлар - Янги Ўзбекистон
бунёдкорлари» шиори остида «Янги Ўзбекистон - Учинчи Ренессанс»
ғоясининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон

Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги қарор қиласди:

1. Беш ташаббус олимпиадаси доирасида ташкил этилаётган “Ёшлар овози” (“Бўзатов фест”) фестивалини ўтказиш тўғрисидаги Низом 1-иловага, “Миллий ва Замонавий чолғу ижрочилиги” танловини ўтказиш тўғрисидаги Низом 2-иловага, “Ёшлар рақс” (Рақс фест) фестивали ўтказиш тўғрисидаги Низом 3-иловага, танлов ва фестивалларни ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 4-иловага, танлов ва фестивалларни ўтказиш бўйича календарь режаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. **Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлигига** бўйсунувчи ташкилот ва муассасалар билан биргаликда:

- “Ёшлар овози” (“Бўзатов фест”), “Ёшлар рақс” фестивали (Рақс фест), ва “Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги” танлови учун ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантириш, шунингдек, уларни танловнинг барча ҳамда республика босқичларига жалб этиш;

- мазкур фестиваль ва танловнинг барча ва республика босқичларини юқори савияда ташкил этишда маданият марказлари, болалар мусиқа-санъат мактаблари ва санъат йўналишидаги бошқа таълим муассасаларидан фойдаланиш бўйича зарур чора – тадбирлар белгилаш;

- танлов ва фестивалларга фахрий ижодкорлар, таниқли санъаткорлар, машҳур маданият ва санъат соҳаси вакилларини таклиф этиш;

- малакали ҳакамларини жалб этган ҳолда мусобақаларнинг адолатли ўтказилишини таъминласин;

3. **Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги** **Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлиги билан** **биргаликда:**

- тизимдаги ташкилот ва муассасалар билан биргаликда танлов ва фестиваллар ўтказиладиган жойни аниқлаш ҳамда тайёрлаш;

- масъул идоралар билан ҳамкорликда жамоат хавфсизлигини, шунингдек, навбатчи тиббий хизматни таъминлаш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

4. **Ёшлар ишлари агентлигига** танлов ва фестивалларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар босқичи ҳамда республика босқичи ғолибларини муносиб тақдирлаш;

Танлов ва мусобақалар ўтказилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот-ташвиқот (видеоролик, реклама ва ҳ.к.) ишларини олиб бориш вазифаси топширилсин.

5. Республика Ташкилий қўмитасига танлов ва фестивалларни ўтказиш билан боғлик тартибларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

6. **Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига** Беш ташаббус олимпиадаси доирасида ташкил этилаётган “Ёшлар овози” танлови, “Миллий ва Замонавий чолғу ижрочилиги” танлови ҳамда “Ёшлар рақс”

фестивалларининг барча босқичларини маҳаллий ва марказий телевидения орқали кенг ёритилишини ташкил этиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазири ўринbosари Б.Ахмедов, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг биринчи ўринbosари А.Саъдullaев, Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринbosари Ж.Ходжаевлар зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва туризм вазири



О. Назарбеков

Тошкент ш.,
2023 йил 16 марта, 01-15-07-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт вазири



А. Икрамов

Тошкент ш.,
2023 йил 16 марта, 04-K1K-сон

Ёшлар ишлари агентлиги
директори



А. Саъдullaев

Тошкент ш.,
2023 йил 16 марта, 01-07/02-сон

Ўзбекистон Республикаси маданият ва
туризм вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати
ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари
агентлигининг 2023 йил
“16” марта даги 01-15-07 04-4/8 01-07/02-сонли
карорига
1-илова

“Ёшлар овози” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. «Ёшлар овози» танлови (кейинги ўринларда танлов деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва уларнинг ҳудудий тузилмалари томонидан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2. Танлов **10-15** ёш, **16-22** ёш, **23 -30** ёш тоифаларида ўтказилади.

3. Танлов қуйидаги **тўрт йўналишда** ташкил этилади:

- бахшичилик
- анъанавий ижро (мақом, катта ашула, суворахонлик)
- опера;
- эстрада.

4. Иштирокчилар Низомда белгиланган шартлар асосида танловда иштирок этади.

II. Танловнинг мақсади ва вазифалари

5. Танловнинг асосий мақсади ва вазифалари – ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғурур ва ифтихор, бағрикенглик, бунёдкорлик, меҳр-оқибат ғоялари руҳида тарбиялаш, бахшичилик ва анъанавий ижро, опера, эстрада йўналишларида ижод қилаётган ёш истеъдодларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, катта саҳналарда ўз санъатини намойиш этиши учун кенг йўл очиб беришдан иборат.

III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

6. Танлов қуйидаги беш босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич. Саралаш босқичи барча маҳаллаларда ташкил этилади.

Иккинчи босқич. Сектор босқичи саралаш босқичларидан ўтган (**10-15** ёш, **16-22** ёш, **23 -30** ёш тоифаларида 1 нафардан) ёшлар ўртасида кастинг асосида ташкил этилади.

Учинчи босқич. Маҳаллий босқич барча туман (шаҳар)ларда кастинг асосида саралаш.

Тўртинчи босқич. Худудий босқич маҳаллий босқич ғолиблари иштирокида.

Бешинчи босқич. Республика босқичи Қоракалпоғистон Республикасида ўтқазилади. Ҳар бир йўналиш бўйича худудлардан 1 та ёш тоифасида бир нафардан (**168 нафар**) худудий босқич ғолиблари иштирок этади.

7. Ҳакамлар ҳайъати 5 кишидан иборат бўлиб, уларнинг таркибига маданият ва санъат соҳасининг таникли вакиллари, етакчи мутахассислар киради. Ёшлар ишлари агентлигидан 1 нафар, Маданият ва туризм вазирлигидан 4 нафар (1 нафар республикадан, 3 нафар худуддан).

IV. Танловда қатнашиш шартлари

8. Танлов иштирокчиси ушбу Низом талабига кўра қайд этилган йўналишлар асосида ўзи танлаган жанрда битта асарни ижро этади.

9. Танловда иштирок этиш учун онлайн ҳамда маҳалла босқичида ташкил этилаётган кастинг ўтаётган манзилда жонли рўйхатдан ўтишлари лозим бўлади.

10. Танлов иштирокчилари фақатгина битта йўналиш бўйича иштирок этиш ҳуқуқига эга.

11. Танловда қўшиқлар факат жонли ижро этилади.

12. Республика босқичи ғолиблари (1-2-3-ўрин) танловнинг келгуси мавсумида ёшидан ҳамда йўналишидан қатъий назар иштирок этиши тақиқланади.

13. Мазкур Низом талаблари Танлов иштирокчиси томонидан бузилган тақдирда иштирокчи танловдан четлатилади.

V. Ташкилий қўмитанинг вазифалари

14. Ташкилий қўмита Танлов доирасида ўтқазиладиган барча концертлар сценарийси, дастури тайёрланишини таъминлайди ва тасдиқлади.

15. Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимини ташкил этади.

16. Танлов ғолибларига ўз ваколатлари доирасида амалий ёрдам кўрсатиш чораларини қўради.

VI. Танлов ғолибларини аниқлаш

17. Танлов ғолиблари Ҳакамлар ҳайъати томонидан 10 баллик тизимда, қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

- ижро маҳорати ва услуби – (3,5 балгача);
- овоз имкониятлари – (3,5 балгача);
- саҳна маданияти (артистизм) – (1,5 балгача);
- саҳна либоси (имидж) – (1,5 балгача).

18. Тавсия этилган қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна маданияти ва ижро услуби танловда қатнашиш ҳуқуқини таъминлашда асосий мезон ҳисобланади.

19. Тақдим этиладиган асарлар миллий анъаналаримиз ҳамда умумбашарий қадриятларга зид бўлмаслиги лозим.

20. Ҳакамлар томонидан берилган баллар танлов якунида умумлаштирилади. Энг юқори балл тўплаган иштирокчиларга барча йўналишлар бўйича 1-, 2- ва 3-ўринлар берилади.

21. Танлов йўналишлари бўйича 1-ўринни эгаллаган ғолиблар тегишли Ҳакамлар ҳайъати йиғилиши баёни асосида кейинги босқичда иштирок этиш хуқукини қўлга киритади. Йўналишлар бўйича муносиб номзодлар топилмаган тақдирда, кейинги босқичга номзодлар тавсия этилмаслиги мумкин.

Агар энг юқори балл олган номзодлар бир нафардан ортиқ бўлган ҳолатда, тенг балли номзодлар ўртасида яна биттадан асар эшитиб баҳо берилади ҳамда биринчи иккинчи ўрин белгиланади.

22. Барча даражадаги (маҳалла-сектор-туман, шаҳар, худудий, республика) ҳакамлар ҳайъати қарори қатъий бўлиб, ўзгартирилмайди, эътиrozлар (аппеляция) қабул қилинмайди ва қайта кўриб чиқилмайди.

23. Республика босқичида ҳар бир йўналиш бўйича худудларда биринчи ўринни эгаллаган номзодлар иштирок этади.

Ғолибларга:

1-ўрин – 50 миллион сўм (тўрт йўналишда, жами 12 та);

2-ўрин – 30 миллион сўм (тўрт йўналишда, жами 12 та);

3-ўрин – 20 миллион сўм (тўрт йўналишда, жами 12 та);

Республика босқичида ҳар бир йўналиш бўйича худудларда биринчи ўринни эгаллаган ғолибларга рағбатлантирувчи мукофот – 10 миллион сўмдан берилади (тўрт йўналишда, жами 36 та, 1-2-3-ўрин соҳиблари бундан мустасно).

VII. Якуний қоидалар

24. Танлов давомида юзага келган муаммолар тегишли ташкилий қўмита томонидан ҳал этилади.

25. Мазкур низомга Танловнинг Республика Ташкилий қўмитаси томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва
туризм вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати
ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари
агентлигининг 2023 йил
“16” шарт даги 01-15-07 04-к/к 010/02 -сонли
карорига
2-илова

«Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги » республика кўрик- танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги» республика кўрик-танловини (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур танлов ёшлар халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий чолғу санъатига қизиқишиларини ошириш бу орқали уларнинг қалби ва онгига миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига хурмат туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш ҳамда ёшлар ўртасида миллий ва замонавий чолғу ижрочилигини тарғиб қилишга йўналтирилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Танлов ташкилотчилари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва тилидан қатъий назар 10 ёшдан 30 ёшгacha бўлган ёшлар танловда иштирок этадилар.

5. Ташкилий қўмита танлов низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

II. Танловнинг мақсади ва вазифалари

6. Танловнинг мақсади куйидагилардан иборат:

- чолғу ижрочилигига ижрочилик санъатини янада юксалтириш, ҳаваскор ижрочиларни кашф этиш;
- чолғу ижрочиларининг маҳорати, истеъдоди ва қобилиятини намоён этиш, уларнинг ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантириш;
- чолғу ижрочилигини юксак даражага кўтариш, миллий санъатимизни дунё сахналарига олиб чиқиш, ҳаваскор ёшларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг ижодини кенг тарғиб қилиш;

- ҳаваскор ижро чилингри ижро имкониятларини ошириш ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан оммани таништириш.

III. Танловни ўтқазиш босқичлари, муддатлари, ёши ва йўналишлари

7. Танловда Ўзбекистон Республикасидаги Маданият вазирлиги тасарруфидаги маданият марказлари тўгарак раҳбарлари, ҳаваскор жамоаларнинг созандалари ҳамда ҳаваскор ижро чилилар иштирок этиши мумкин.

8. Танлов **5 босқичда** ўтқазилади.

Биринчи босқич: (маҳалла босқичи бўлиб, мазкур босқичда доимий ва вақтинча рўйхатдан ўтган ёшлар иштирок этишлари мумкин)

Иккинчи босқич: (сектор босқичи)

Учинчи босқич: (туман ва шаҳар босқичи) мусиқа ва санъат мактабларида (мусиқа ва санъат мактаби бўлмаган туман (шаҳар)лар учун энг яқин жойлашган туман (шаҳар) мусиқа ва санъат мактабида) ўтқазилади.

Танлов йўналишлари иштирокчиларининг сонига қараб, уни тартибли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида йўналишлар бўйича ҳар хил вақтда ташкил этилиши мумкин.

Ўтқазиш режаси ҳар йили аризалар қабул қилингандан сўнг Республика ташкилий қўмитаси томонидан белгиланади ва эълон қилинади.

Тўртинчи босқич: (худудий босқичи) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтқазилади. Ўтқазиш режаси ҳар йили худудий ташкилий қўмита томонидан Республика ташкилий қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади ва эълон қилинади.

Бешинчи босқич: республика босқичи ўтқазиш саналари Республика ташкилий қўмита томонидан белгиланади ва камида 10 кун олдин эълон қилинади.

9. Танлов **3 ёш тоифасида** ўтқазилади:

1-тоифа 10-15 ёш;

2-тоифа 16-22 ёш;

3-тоифа 23-30 ёшгача.

10. Танлов куйидаги 2 та йўналиш (6 та номинация) бўйича ўтқазилади:

Миллий чолғулар

рубоб;

доира;

дотор.

Замонавий чолғулар

фортелияно;

гитара;

урма зарбли.

IV. Танловни ўтказиш шартлари

11. Иштирокчиларнинг танлов давомидаги тегишли йўналишлар бўйича ижро этиш навбати ташкилий қўмита томонидан белгиланади ва ушбу тартиб танлов якунига қадар сақлаб қолинади.

12. Асарлар ёддан жонли тарзда ижро этилади.

13. Танловнинг йўналишлари иштирокчилари учун ижро вақти қўйидагicha белгиланади:

1-тоифа: 10-15 ёш учун 5 дақиқагача;

2-тоифа: 16-22 ёш учун 5 дақиқагача;

3-тоифа: 23-30 ёш учун 5 дақиқагача.

Иштирокчилар белгиланган вақтдан ўтиб кетган тақдирда ҳакамлар ҳайъати аъзолари ижрони тўхтатиб қўйишлари мумкин.

14. Танловда иштирок этиш истагида бўлган ёшлар **доимий ёки вақтинчалик** яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтади. Бошқа маҳалла номидан ушбу танловда иштирок этишлари қатъиян таъқиқланади.

15. Танлов доирасида маҳаллаларда истиқомат этувчи ёшлар танловнинг қуи босқичларида (маҳалла, сектор, туман (шаҳар) босқичи ва худудий босқич)ларда ғолиб ва совриндорлар республика финал босқичларида иштирок этишига рухсат берилади.

Бунда, ушбу талабларга риоя қилмаган қуи босқичларда иштирок этмаган иштирокчилар республика босқичида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

16. Республика босқичи ғолиблари (1-2-3-ўрин) танловнинг келгуси мавсумида ёшидан ҳамда йўналишидан қатъий назар иштирок этиши таъқиқланади.

17. Барча йўналишлар бўйича иштирокчиларнинг ижодий чиқишилари томошибинлар ва тингловчилар томонидан кузатилишига рухсат этилади (худудий ҳамда республика босқичи бундан мустасно).

V. Танлов иштирокчиларини баҳолаш ва ғолибларни тақдирлаш

17. Танловнинг барча босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш учун ташкилий қўмита ва 3-5 нафар етакчи мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан шакллантирилади.

19. Танловнинг барча босқичлари учун ҳар бир йўналишда уч нафардан кам бўлмаган соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати шакллантирилади. Ҳакамлар ҳайъати таркиби мусика ва санъат таълим муассасаларининг малакали мутахассислари, чолғу ижрочилиги мутахассислари, орасидан шакллантирилади.

20. Танловнинг барча босқичларида иштирокчиларнинг ижро маҳорати ҳакамлар ҳайъатининг ҳар бир аъзоси томонидан алоҳида тарзда 25 баллик тизим бўйича (баҳолаш мезони илова қилинади) баҳоланади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилий қўмиталар томонидан Танловнинг 1-босқичларидағи ҳакамлар ҳайъати ишига раислик қилиш учун ҳар бир туман (шаҳар)га худудий ҳакамлар ҳайъатининг бир нафар аъзоси бириктирилади ва ҳакамлар ҳайъатига худудий ҳакамлар ҳайъати таркибидан бириктирилган вакил раислик қиласди.

22. Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларга қўйилган баллар тенг бўлиб қолганда, ҳакамлар ҳайъати раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

23. Танловнинг туман (шаҳар) босқичидан худудий босқичга ҳар бир йўналишдан уч нафардан (ҳар бир ёш тоифаси ҳамда йўналишидан 1-ўринни эгаллаган) иштирокчилар (*худуддан йўналишлар бўйича 3 ёш тоифасидан 6 номинация бўйича 18 нафар, 14 та худуддан жами 252 нафар*) ғолиб бўлган ёшлар республика босқичига йўлланмани қўлга киритади.

24. Танловнинг якуний натижалари ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан расмийлаштирилади.

25. Барча даражадаги (маҳалла-сектор-туман, шаҳар, худудий, республика) ҳакамлар ҳайъати қарори қатъий бўлиб, ўзгартирилмайди, эътиrozлар (*аппеляция*) қабул қилинмайди ва қайта кўриб чиқилмайди.

26. Танловда ғолиб ва совриндор бўлган чолғу ижроҷиларига Ташкилий қўмитанинг қарори билан пул мукофотлари берилиши ҳам мумкин.

27. Танловнинг ҳар бир босқичида йўналишлар бўйича энг яхши натижаларга эришган иштирокчилар ташкилотчилар, маҳаллий, худудий ҳокимликлар ва ҳомийлар томонидан тайёрланган сертификат, диплом ва эсадалик совғалар билан рағбатлантирилади.

VI. Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар

28. Танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшларнинг ҳужжатлари маҳалла ёшлар етакчисига топширилади (оффлайн) ёки онлайн бот орқали рўйхатдан ўтилади (ижтимоий тармоқларда бот эълон қилинади)

29. Танлов иштирокчилари томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади онлине бот орқали ҳамда оффлайн:

- ариза-анкета;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлиги ҳақида гувоҳнома) нинг нусхаси;

VII. Якуний қоидалар

30. Танловни ўтказиш жараёнлари бўйича келиб чиқадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31. Танловни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар қуийдаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари;

масъул ижрочиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

«Ёшлар жамғармаси» ҳисобидан (маҳалла-сектор-туман/шаҳар, ҳудудий) ғолиблар эсдалик совғалари билан рағбатлантирилади;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва
туризм вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати
ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари
агентлигининг 2023 йил
“16” шарт даги 01-15-07 04-08 01-09/02-сонли
қарорига
З-илова

“Ёшлар рақс” фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ёшлар ўртасида “Ёшлар рақс” фестивалини (кейинги ўринларда – фестиваль деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу фестиваль ёшлар халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амалий билимлар билан кенг танишириш орқали уларнинг қалби ва онгода миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига ҳурмат туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш ҳамда ёшлар ўртасида миллий ва замонавий маданиятни тарғиб қилишга йўналтирилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини Танлов ташкилотчилари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва тилидан қатъий назар 10 ёшдан 25 ёшгacha бўлган ёшлар фестивалда иштирок этадилар.

5. Ташкилий қўмита фестивал низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

II. Фестивалнинг мақсади ва вазифалари

6. Фестивалнинг асосий мақсад ва вазифалари қуидагича:

- ёш авлодни заарли ташки мафкуравий таъсирлардан асраш, уларни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

- иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг истеъдодларини намоён қилишларига имконият яратиш ва қўллаб-кувватлаш;

- ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, уларнинг маънавий оламини бойитиш, сънат ва гўзалликка интилишини кучайтириш;

- иқтидорли ёшларнинг ижоди ҳамда ташаббусларини кенг оммага айниқса, ёшлар орасида тарғиб этиш, ҳаваскор ва профессионал жамоаларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантириш.

III. Фестивални ўтқазиш босқичлари, муддатлари, ёши ва йўналишлари

7. Фестиваль **5 босқичда** ўтқазилади.

Биринчи босқич: (маҳалла босқичи бўлиб, мазкур босқичда доимий ва вактинча рўйхатдан ўтган ёшлар иштирок этишлари мумкин)

Иккинчи босқич: (сектор босқичи)

Учинчи босқич: (туман ва шаҳар босқичи) мусиқа ва санъат мактабларида (мусиқа ва санъат мактаби бўлмаган туман (шаҳар)лар учун энг яқин жойлашган туман (шаҳар) мусиқа ва санъат мактабида) ўтқазилади.

Фестиваль йўналишлари иштирокчиларининг сонига қараб, уни тартибли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида йўналишлар бўйича ҳар хил вактда ташкил этилиши мумкин.

Ўтқазиш режаси ҳар йили аризалар қабул қилингандан сўнг рэспублика ташкилий қўмитаси томонидан белгиланади ва эълон қилинади.

Тўртинчи босқич: (худудий босқичи) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтқазилади. Ўтқазиш режаси ҳар йили худудий ташкилий қўмита томонидан Республика ташкилий қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади ва эълон қилинади.

Бешинчи босқич: республика босқичини ўтқазиш саналари Республика ташкилий қўмита томонидан белгиланади ва камида 10 кун олдин эълон қилинади.

8. Фестиваль **3 ёш тоифасида** ўтқазилади:

1-тоифа 10-15 ёш;

2-тоифа 16-22 ёш;

3-тоифа 23-30 ёшгача.

9. Фестиваль қуидаги **2 йўналиш** бўйича ўтқазилади:

Миллий рақс

- яккахон рақс;

- жамоавий рақс (3- нафаргача)

Замонавий рақслар:

- яккахон рақс;

- жамоавий рақс (3- нафаргача)

IV. Фестиваль шартлари

10. Фестивалда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган якка ижрочи ҳамда жамоалар иштирок этади.

11. Фестивальнинг йўналишлари иштирокчилари учун ижро вакти қуидагича белгиланади:

1-тоифа: 10-15- ёш учун 5 дақиқагача;

2-тоифа: 16-22 ёш учун 5 дақиқагача;

3-тоифа: 23-30 ёш учун 5 дақиқагача.

Иштирокчилар белгиланган вақтдан ўтиб кетган тақдирда ҳакамлар ҳайъати аъзолари ижрони тўхтатиб қўйишлари мумкин.

12. Фестиваль доирасида маҳаллаларда истиқомат этувчи ёшлардан таркиб топган маҳалла жамоалари мазкур фестивалнинг қуи босқичларида (маҳалла, сектор, туман (шаҳар) босқичи ва худудий босқич)ларда ғолиб ва совриндорлар республика финал босқичларида иштирок этишига рухсат берилади.

Бунда, ушбу талабларга риоя қилмаган қуи босқичларда иштирок этмаган якка ҳамда жамоавий иштирокчилар республика босқичида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

13. Ғолиблар (1-2-3-ўрин) фестивалнинг келгуси мавсумида ёшидан ҳамда йўналишидан қатъий назар иштирок этиши тақиқланади.

14. Барча йўналишлар бўйича иштирокчиларнинг ижодий чиқишилари томошибинлар ва тингловчилар томонидан кузатилишига рухсат этилади (худудий ҳамда республика босқичи бундан мустасно).

V. Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

15. Фестивалнинг барча босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш учун ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати томонидан шакллантирилади.

Фестивалнинг барча босқичлари учун ҳар бир йўналишда уч нафардан кам бўлмаган соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати шакллантирилади. Ҳакамлар ҳайъати таркиби мусиқа ва санъат мактабларининг малакали мутахассислари, хореограф (балетмейстер), орасидан шакллантирилади.

16. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати таркиби худудий ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилий қўмиталар томонидан фестивалнинг 1-босқичларидағи ҳакамлар ҳайъати ишига раислик қилиш учун ҳар бир туман (шаҳар)га худудий ҳакамлар ҳайъатининг бир нафар аъзоси бириктирилади ва ҳакамлар ҳайъатига худудий ҳакамлар ҳайъати таркибидан бириктирилган вакил раислик қиласи.

18. Фестивалнинг туман (шаҳар) босқичидан худудий босқичга ҳар бир йўналишдан уч нафардан (ҳар бир ёш тоифаси ҳамда йўналишидан 1-ўринни эгаллаган) иштирокчилар (*ҳар бир худуддан яккахон 6 нафар жамоавий 18 нафаргача жами 24 нафар 14 та худуддан жами 336 нафар*) ёшлар йўлланма оладилар.

19. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари бир вақтда тегишли ташкилий қўмита аъзоси бўлишлари ҳам мумкин.

20. Барча даражадаги (маҳалла-сектор-туман, шаҳар, ҳудудий, Республика) ҳакамлар ҳайъати қарори қатъий бўлиб, ўзгаририлмайди, эътиrozлар (*апелляция*) қабул қилинмайди ва қайта қўриб чиқилмайди.

21. Фестивалда иштирок этиш истагида бўлган ёшлар **доимий ёки вақтинчалик** яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтади. Бошқа маҳалла номидан ушбу фестивалда иштирок этишлари қатъиян таъкиқланади.

VI. Фестивалга тақдим этиладиган ҳужжатлар

22. Фестивалда иштирок этиш истагини билдирган ёшларнинг ҳужжатлари маҳалла ёшлар етакчисига топширилади (оффлайн) ёки онлайн бот орқали рўйхатдан ўтилади (ижтимоий тармоқларда бот эълон қилинади)

Фестиваль иштирокчилари томонидан қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади оффлайн:

- ариза-анкета;

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлиги ҳақида гувоҳнома) нинг нусхаси;

23. Миллий рақс ва Хореография олий мактаби ўкувчилари ҳужжатлари фестивалда иштирок этиш учун қабул қилинмайди.

VII. Фестиваль ғолибларини аниқлаш тақдирлаш

24. Фестиваль ғолиблари Ҳакамлар ҳайъати томонидан **25 баллик** тизимда, қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- иштирокчилар профессионал тайёргарлик, бадиий ижрочилик маҳорати, репертуар савияси каби мезонларга жавоб бериши;

- актёрлик маҳорати;

- рақс сюжети;

- ижро вақти 5 дақиқадан ошмаслиги;

- иштирокчилар саҳна ва кийиниш маданияти талабларига жавоб бериши лозим.

25. Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўйилган баллар фестивал якунида умумлаштирилади. Энг юқори балл тўплаган иштирокчиларга барча йўналишлар бўйича 1-2-3-урин берилади (**яккахон 18 нафар, жамоавий 54 нафар**).

26. Фестивалда ғолиб ва совриндор бўлган чолғу ижроиларига Ташкилий қўмитанинг қарори билан пул мукофотлари берилиши ҳам мумкин.

26. Фестивалнинг ҳар бир босқичида йўналишлар бўйича энг яхши натижаларга эришган иштирокчилар ташкилотчилар, маҳаллий, ҳудудий ҳокимликлар ва ҳомийлар томонидан тайёrlанган сертификат, диплом ва эсадалик совғалар билан рағбатлантирилади.

VIII. Яқуний қоидалар

27. Фестивални ўтказиш жараёнлари бўйича келиб чиқадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28. Фестивални ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар қуидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари;

- масъул ижрочиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- «Ёшлар жамғармаси» ҳисобидан (маҳалла-сектор-туман/шаҳар, ҳудудий) ғолиблар эсдалик совғалари билан рағбатланритилади; қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлиги,
 Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йил
 “16” март даги 04-15-07 04-44-00-07-02-сонли қарорига 4-илова

**Беш ташаббус олимпиадаси доирасида маданият ва санъат йўналишидаги танлов ва фестивальларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
 Ташкилий қўмита
 ТАРКИБИ**

№	Исми, фамилияси ва отасининг исми	Лавозими
1.	Назарбеков Озодбек Ахмадович	Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазири, <i>Ташкилий қўмита раиси</i>
2.	Икрамов Атҳам Илхамович	Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири, <i>Ташкилий қўмита раиси ўринбосари</i>
3.	Саъдуллаев Алишер Зафар ўғли	Ёшлар ишлари агентлиги директори, <i>Ташкилий қўмита раиси ўринбосари</i>
4.	Ахмедов Баходир Мажидович	Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазири ўринбосари, <i>Ташкилий қўмита раиси ўринбосари</i>
5.	Ходжаев Жамшид Бахтиёрович	Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, <i>Ташкилий қўмита раиси ўринбосари</i>
6.	Юнусов Фарруҳ Исмоилжонович	Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлиги Селекция ва истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, <i>аъзо</i>
7.	Мўминов Абдулазиз Мажидович	Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўлими бошлиғи, <i>аъзо</i>
8.	Олимов Шерзод Муродуллаевич	Ёшлар ишлари агентлиги Беш ташаббус лойиҳаларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, <i>аъзо</i>
9.	Содиков Нодир Файбулла ўғли	Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлиги Селекция ва истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўлими бош мутахассиси, <i>аъзо</i>
10.	Эргашев Шоҳбек Музаффаржон ўғли	Ёшлар ишлари агентлиги Беш ташаббус лойиҳаларини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси, <i>котиб</i>

Ўзбекистон Республикаси маданият ва
 туризм вазирлиги,
 Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати
 ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари
 агентлигининг 2023 йил
 “16” Март даги 01-15-07 04-4/к 01-07/02-сонли
 қарорига 5-илова

**Беш ташаббус олимпиадаси доирасида маданият ва санъат йўналишидаги
 танлов ва фестивальларнинг
 КАЛЬЕНДАР РЕЖАСИ**

Махаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўргасидаги танлов ва мусобақалар						
T/р	Лойиха номи	1-босқич маҳалла	2-босқич сектор	3-босқич туман	4-босқич ҳудудий	5-босқич республика
1.	“Ёшлар овози” танлови	5-10 апрель	15-20 апрель	25-30 апрель	1-5 май	10-20 май
2.	“Ёшлар ракс фестивали”	3 - 8 апрель	17 - 21 апрель	10 - 18 май	25 май - 9 июнь	14 - 18 июнь
3.	“Миллий ва Замонавий чолғу ижрочилиги” танлови	4-8- сентябрь	18-23 сентябрь	2-8 октябрь	23-30 октябрь	13-17 ноябрь

Изоҳ: Ушбу календарь режада белгиланган муддатларга ташкилотчилар томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.